

№ 1- сонли ШАРТНОМА

2022 йил «25» Январь

Марғилон шаҳар

Ушбу шартнома бир тарафдан келгусида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб номланадиган жамият раҳбари О.Ахматшаев вакиллигида «Марғилон нон» МЧЖ ва иккинчи тарафдан «СОТИБ ОЛУВЧИ» деб номланадиган корхона раҳбари Х.Қурбанова вакиллигида Марғилон шаҳар Мактабгача таълим бўлими ўртасида тузилди. Томонлар куйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1.Шартноманинг предмети, қиймати ва муддати.

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ, куйидаги маҳсулотларни СОТИБ ОЛУВЧИга етказиб беришни, СОТИБ ОЛУВЧИ эса бу маҳсулотларни қабул қилиб олишни ва пул қийматини келишилган тартибда тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

№	Маҳсулотнинг номи	Ўл. Бирлги	Миқдори	Нархи	Сумма	
1	Қолипчи нон 1-нав 500 гр	кг	10305	2800	28 854 000,00	
	Жами:				28 854 000,00	

1.2. Шартноманинг умумий қиймати 28 854 000,00 (Йигирма саккиз миллион саккиз юз эллик тўрт минг) сўмни ташкил қилади. Тарафлар ўзаро келишган ҳолда ушбу қийматни ўзгартиришлари мумкин.

1.3. Шартномани амал қилиш муддати 25 01.2022 йилдан бошлаб 31.12. 2022 йилга қадар давом этади.

II. Тўлов тартиби ва маҳсулот етказиб бериш шартлари.

2.1. Тўлов маҳсулот қийматидан олдиндан 30 % миқдорида амалга оширилади. Тўловнинг қолган қисми ойнинг охириг кунига қадар тўлиқ 100 % миқдорда амалга оширилади;

2.2. Тўлов ҳисобдан пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

2.3. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Сотиб олувчи томонидан тегишли рухсатномага эга бўлган нон ташишга мўлжалланган транспорт воситаларида ташилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- Сотиб олувчидан етказиб берилган маҳсулот қийматини белгиланган муддатда тўлашни талаб қилиш;
- Сотиб олувчи томонидан тўлов белгиланган муддатдан кечиктирилса огоҳлантиришсиз маҳсулот беришни тўхтатиш.

➤ Етказиб бериладиган маҳсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикаси стандартлари, техника шартлари талаблари ва сотиб олувчи талабларига жавоб беришини таъминлаш;

3.2. СОТИБ ОЛУВЧИНИНГ ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

➤ Сотиб олувчи маҳсулот туридан ҳар кунлик буюртмани 1 кун олдин беради ва маҳсулотни пишиб чиқган вақтдан 4 соатдан сўнг ўз вақтида олишни ўз зиммасига олади.

➤ Сотиб олувчи сотиб олинган маҳсулотларни фақат тегишли рухсатномага эга бўлган нон ташишга мўлжалланган транспорт воситаларида ташиш, маҳсулотларни тарқатишда ёки сақлашда гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, маҳсулот тарқатувчиларни ёки сақловчиларни тиббий кўрикдан доимий тартибда ўтиб туришини таъминлайди.

➤ Етказиб берувчига маҳсулот қийматини белгиланган муддатда тўлаш;

➤ Етказиб берилган маҳсулотни етказиб берувчидан миқдори ва сифати бўйича қабул қилишни таъминлаш, маҳсулотнинг миқдори ва сифати бўйича эътирози мавжуд бўлганда 8 соат ичида етказиб берувчига рекламация билдириш.

➤ Етказиб берувчи томонидан сифатсиз ва муддати ўтган маҳсулотлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи маҳсулотларни олишдан бош тортиши ёки алмаштириб беришни талаб қилиши мумкин.

IV. Тарафларнинг моддий жавобгарлиги

4.1. Етказиб берувчи сотиб олувчига сифатсиз маҳсулот етказиб берган тақдирда, сотиб олувчига етказиб берилган маҳсулот қийматининг 15% миқдорида жарима тўлайди.

4.2. Етказиб берувчи маҳсулотни СОТИБ ОЛУВЧИГА белгиланган муддатда етказиб бермаса кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % миқдорида, лекин етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.3. Агар сотиб олувчи буюртмасини техника шартларида кўрсатилган пишиб чиқган вақтдан 4 соатдан сўнг олмаса, етказиб берувчига маҳсулот қийматининг 15% миқдорида жарима тўлайди.

4.4. Сотиб олувчи тўловни кечиктириб юборса кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин тўланмаган сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.5. Тарафларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

V. Томларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари.

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирларига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоратadbирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

5.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-

бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ун) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион ҳаф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

VI. Форс мажор ҳолатлари.

6.1. Тарафларнинг ҳеч бири бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ҳамда уларни бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар, яъни уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, ва хоказолар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Агар ушбу ҳолат 3 ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аниқланмаса тарафлардан бирининг ташаббуси билан олдиндан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор қилишлари мумкин.

VII. Шартноманинг бошқа шартлари.

7.1. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.2. Давлат бошқарув органлари томонидан ун фонди миқдори қисқартирилганда ва газ босими пасайиши натижасида нон маҳсулотларини ўз вақтида ва шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб берилмаса, «Етказиб берувчи» жавобгарликдан озод қилинади. Лекин ушбу ҳолат тўғрисида сотиб олувчини огохлантиради.

7.3. Тарафлар ўртасида келиб чиққан барча низолар ўзаро музокара орқали ҳал қилинади. Агар келишувга эришилмаса Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади. Жавобгар Фарғона вилоятидан ташқарида жойлашган бўлса низо Фарғона вилояти Иқтисодий суди судловига тааллуқли бўлади.

7.4. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланади. Биринчи ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИда, иккинчи СОТИБ ОЛУВЧИда сақланади.

7.5. Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартнома ғазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга киради.

Тарафларнинг реқвизитлари:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«СОТИБ ОЛУВЧИ»


**«МАРҒИЛОН НОН» МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ**

Марғилон шаҳар, Навбахор 121-уй
Х/р 20208000900194813001
МФО:00991 Ҳамкор банк Марғилон бўлими
ИНН:200140644 ОКОНХ:18113
Тел:8 (373) 235-19-48, 235-19-43

Рахбар



Ахматшаев О.М



МАРҒИЛОН ШАҲАР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИ	
Манзил	Марғилон ш. Мустақиллик кўча 673-уй Тел: 0-373-237-37-35
Шх/р:	ШХР: 400522860304124091000151033
ИНН:	ИНН: 3051 ОКОНХ: 84112
Тел:	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Ғазначилик:	МОДИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ Ғазна х/р: 29402000300100001010
	Марказий Банк Тошкент ш ХККБ МФО: 00014 СТР 201122919

х/р: _____
Банк номи _____
ИНН: _____ МФО: _____
Тел: _____
Корхона раҳбари: 
Боп ҳисобчи: _____



ЮРИДИК ХУЛОСА

Ушбу тузилаётган шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан тўғри тузилган. Шартномадаги шартлар, жумладан тўловни амалга ошириш тартиби, тарафларнинг моддий жавобгарлик масаласи, низоларни ҳал этиш тартиби амалдаги қонун ҳужжатларига мос келади ва тарафлар шартномада кўзда тутилмаган шартлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилишга қилишишган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур шартномани тузиш ва имзолаш мумкин.

Хуқуқшунос _____